

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА СУДЬЯНИНГ ИММУНИТЕТ ҲУҚУҚИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бегзод Хайдаров

Фарғона вилоят судининг судьяси

e-mail: j.fargona@sud.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568190>

Аннотация: Сўнгги йилларда суд-тергов амалиётида ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, қонун ва қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида коллизия ҳолатларнинг мавжудлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар амалдаги жиноят-процессуал кодекси нормаларини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Мақолада судьянинг иммунитет ҳуқуқи долзарблиги чуқур таҳлил қилиниб, ушбу жараёни янада такомиллаштириш зарурияти асослантилган.

Калит сўзлар: Иммунитет, дахлсизлик, судья, жиноят ишини қўзғатиш, қамоққа олиш.

Иммунитет – (лот *immunitas*) бирор нарсадан халос, озод бўлиш, қутулиш маъносини билдиради[1]. Тарихда иммунитет биринчи марта ҳуқуқий институт сифатида шахсларнинг ижтимоий ҳолатига қараб ҳуқуқий жавобгарлик тарзида Рим қонунида пайдо бўлган.

Жамият ривожланиб, янги ижтимоий муносабатлар қарор топиб, уларни тартибга солиш зарурияти вужудга келади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар эса қонунлар билан тартибга солиниб, қонун - тилсиз судья, судья - гапирувчи қонундир[2].

Ваколатлари доираси қонунлар орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи судья ўз хизмат фаолиятини мустақил ва адолатли амалга оширишида тўсиққа учрамаслиги лозим.

Конституция ва қонунга кўра судьялар мустақил ва уларнинг шахси дахлсиздир. Улар фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади[3].

Чунончи, суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[4].

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси олинмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, адлия вазири томонидан

белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судларнинг судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир[5].

Лекин эътиборли томони шундаки, юқоридаги қонунларда санаб ўтилган судьянинг дахлсизлик ёки иммунитет ҳуқуқига доир нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида тўлиқ акс этмаган. Ваҳоланки ЖПКнинг 1-моддаси талабларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Дарҳақиқат, жиноят процессида судьянинг иммунитетини алоҳида акс эттириб, унинг процессуал иммунитетини тушунчаси, мазмуни ва маъносига янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, имтиёзлар турлари доираси ҳамда қўллаш шартларини аниқ белгилашни бугунги реал воқелик тақозо қилмоқда.

References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. П. Е-М / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва бошқ.; ЎЗР. Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 202.
2. Марк Тулий Цицерон. “Қонунлар ҳақида”ги китоби.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь, 2013—II-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. 2021 йил 28 июль, 703-II-сон